

ШАРТНОМА № 13
(хизмат кўрсатиш ҳақида)

«28» декабрь 21 й.

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси талабларига асосан «Ижрочи» деб аталувчи «Rost media 4» МЧЖ номидан устав асосида унинг раҳбари С.Т. Маматкулов ва «Буюртмачи» деб аталувчи ЎЗКБ МЧЖ асосида Шайхон Абдураҳмон А. А. иккинчи томондан ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. «Ижрочи» мазкур шартномага асосан ўзига тегишли бўлган «Rost24» интернет наприда «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан **реклама ва тарғибот** билан боғлиқ қуйидаги хизматни бажаради:

- 1.1.1 Rost24.uz ахборот сайти ва телеграм каналида буюртмачи фаолиятига доир хабар ва мақола тайёрлаб жойлаштирилади.
- 1.1.2 Мақола ва хабарлар ижтимоий тармоқларга тарқатилади.
- 1.1.3 «Буюртмачи» эса кўрсатилган хизматлар тўловини шартномада кўрсатилган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Чоп этиш тури	Материаллар сони	Ҳар бир материал суммаси	Жойлаштириш муддати	Жами тўлов КҚСсиз (сўм)
1	Банк хизматлари тўғрисидаги реклама ва ПР-мақолалар	20 та	2 000 000	2022 йил мобайнида	40 000 000

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ТўЛАШ МУДДАТЛАРИ

2.1. «Ижрочи» томонидан ушбу шартномада белгиланган хизматларнинг умумий баҳоси 40 (қирк) миллион сўмни ташкил қилади.

2.2. «Ижрочи» томонидан шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган хизматлар учун тўлов «Буюртмачи» томонидан олинган амалга оширилади.

III. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

- 3.1. Ишни тегишли тартибда қабул қилиб олиш.
- 3.2. Хизматлар ҳолати тўғрисидаги маълумотларни олиш.
- 3.3. Шартномани бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш.

«Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

3.4. Хизматлар баҳосини шартноманинг 2.2-бандида кўрсатилган муддатларда ва шаклда тўлаш.

3.5. Шартномада кўрсатилган хизматларини тегишли ҳужжатлар асосида ва белгиланган муддатда қабул қилиш.

«Ижрочи» нинг ҳуқуқлари:

3.6. «Буюртмачи» томонидан шартноманинг 2.2-бандида кўрсатилган шартлар ва муддатлар бўйича ҳақ тўлашини талаб қилиш.

3.7. Шартномада кўрсатилган хизматларнинг бажарилишини талаб қилиш.

3.9. Шартномада кўрсатилган хизматларнинг баҳосини ҳақини тегишли муддатларда тўлашни талаб қилиш, бажарилган ишлар далолатномасини «Буюртмачи»га тақдим этиш.

«Ижрочи»нинг мажбуриятлари:

3.10. Шартномада кўрсатилган хизматларни сифатли бажариш.

3.11. «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан амалга оширилган хизматлар тегишли тартибда «Буюртмачи»га топшириш.

3.12. Хизматларни кўрсатиш жараёнида вужудга келадиган муаммолар ҳақида «Буюртмачи»ни хабардор қилиш.

3.13. «Буюртмачи»га кўрсатилган хизматлар ҳақида ҳаққоний маълумотларни бериш.

3.14. Шартномани 1.1-бандида кўрсатилган хизматларнинг сифати ва миқдори буйича кафолат бериш ва жавобгарликни ўз зиммасига олиш.

IV. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

4.1. Тарафлар учун ушбу шартномада белгиланмаган жавобгарлик масаласи Ўзбекистон Республикаси Қонунлари билан тартибга солинади.

V. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

5.2. Шартнома қуйидаги ҳолларда суд тартибида бир томонлама ўзгартирилади ёки бекор қилинади:

- тарафлар низоларни келишув йули билан ҳал эта олмаган тақдирда;
- «Буюртмачи» томонидан ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар ва ҳужжатлар тақдим этганда;
- «Буюртмачи» томонидан шартнома баҳоси тўлаш шартлари бузилганда.

5.3. Суд қарорига асосан.

VI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

6.1. Ушбу шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва тўлдиришлар тарафлар томонидан ёзма тарзда амалга оширилиб, томонларнинг имзоси билан тасдиқлангандан сўнг юридик кучга эга ҳисобланади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб юридик кучга эга бўлади. Тўлиқ ҳисоб-китоб қилингунга қадар ҳақиқий ҳисобланади.

7.2. Мазкур шартнома 2 (икки) нусхада тузилган, бир хил юридик кучга эга.

7.3. Ушбу шартнома бўйича келиб чиққан низолар тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Тошкент туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

«Rost media 4» МЧЖ

Манзил: Ташкент шаҳри, Юнусобод т-н,
Боғишамол кўчаси, 57-уй.

х/р: р/с: 2020 8000 6052 8014 9001

г. Ташкент, "ТУРОНБАНК" АТ БАНК
Чиланзарский филиал

МФО: 01084 ИНН: 307733973

ОКЭД: 79994



«Буюртмачи»

O'z sanoatqurilishbank Amaliyot
boshqarmasi
Toshkent sh., Shahrisabz ko'ch., 3-uy.
Tel: (99871) 120-45-88, tel/faks: 120-45-15
H/R:
O'z sanoatqurilishbank Amaliyot
boshqarmasi MFO: 00440
INN: 200833707 OKONX: 80120

